

ТАШҚИ САВДОДА ЮКЛАРИНИ ТАШИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР (ТУРКИЯ ДАВЛАТИ МИСОЛИДА)

Саидов Умаржон Шуҳратович
Мустақил тадқиқотчи

E-mail: saidumarkhan@bk.ru

Аннотация: Ушбу мақолада автомобиль транспортида халқаро юк ташувлар учун қўлланиладиган Рухсатнома ҳужжатининг қўлланиш тартиботи билан боғлиқ айрим муаммолар Туркия давлати мисолида ёритиб берилган. Шунингдек, ушбу ҳужжат бугунги кунда ўз вазифасини бажара олмаётганлиги расмий маълумотлар орқали асослаб берилган. Мақолада келтириб ўтилган муаммога тизимли ёндашилиб, унинг ечими сифатида асосланган хулоса ва таклифлар ўрин олган.

Таянч сўзлар: автомобиль транспортида халқаро юк ташиш учун рухсатнома, дозвол, экспорт, импорт, TIR CARNET, CMR, Туркия Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, миллий ташувчи, миллий манфаат, халқаро имиж.

Аннотация: В данной статье освещаются некоторые вопросы, связанные с порядком применения Разрешения на международные автоперевозки грузов на примере Турецкой Республики. Также, с помощью официальных данных обосновано то, что данное Разрешение на сегодняшний день не выполняет свои функции. В статье применен системный подход к представленной проблеме, а также приведены обоснованные выводы и предложения в качестве ее решения.

Ключевые слова: разрешение на международные автоперевозки грузов, дозвол, экспорт, импорт, TIR CARNET, CMR, Турецкая Республика, Республика Узбекистан, национальный перевозчик, национальный интерес, международный имиж.

Abstract: The article addresses some issues related to the procedure of applying a Permission for International Road Transportation of Goods in the example of Turkey. Moreover, using an official data it is substantiated, that the current Permission at the present time cannot pursue its functions. In the article we used a systematic approach to the given problem, and presented some conclusions and suggestions as its solution.

Key words: Permission for International Road Transportation of Goods, dozvol, export, import, surplus, TIR CARNET, CMR, Republic of Turkey, Republic of Uzbekistan, national carrier, national interest, international image.

Кириш

Бугунги кунда дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнларида халқаро юк ташувлар билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқ бир хиллаштириш аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ушбу соҳа фаолиятини такомиллаштириш ҳамда халқаро миқёсда ўзаро интеграциялаш борасида бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан амалий қадамлар XX аср ўрталаридан бошлаб юборилгани барчага аён.

Шунингдек, дунёдаги халқаро ташувлар борасидаги статистика юқоридаги фикрларни тасдиқлашини кўриш мумкин. Хусусан, Жаҳон банки гуруҳи маълумотларига кўра, дунё транспорти хизматларининг ЯИМ таркибидаги улуши 4,2 трлн. АҚШ доллари (6,8 %) миқдорда баҳоланиб, йилига 110 млрд. тонна юк ва 1 трлн. дан ортиқ йўловчилар ташилган ҳамда биргина дунё транспорт тизимида банд бўлган инсонлар сони 100 млн. кишини ташкил этади [1].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Давлат раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан 2017 йилдан буён қабул қилиниб келинаётган давлат дастурларига мувофиқ, республиканинг транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш, мамлакатнинг транзит салоҳиятини ошириш, соҳага халқаро тажрибани чуқур ўрганган ҳолда электрон ахборот тизимларини жорий этиш ҳамда бу соҳада Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгилангди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-4947 - сонли фармонининг 8- иловасидаги “Йил дастури” нинг 35, 41, 145, 149, 295 ҳамда 315 - бандлари;

Ушбу Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308 - сонли фармонининг Иловасидаги “Йил дастури”нинг 107, 108, 109, 110 ҳамда 226 - бандлари;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635 - сонли фармонининг 78,128, 129, 133, 256, 236 ҳамда 243 - бандлари бевосита республиканинг транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, транспорт-логистика соҳасидаги каридорларини жаҳон стандартлари ва талабларига мос қилиб қуриш, уларнинг ўтказиш қобилиятини ошириш каби муҳим вазифалар юклатилган [2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Халқаро юк ташувлар борасида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчиларни таҳлили асосан миллий ҳамда халқаро транспорт тизимини ривожлантириш бўйича институционал ва ташкилий-ҳуқуқий томондан ўрганганликлари маълум бўлди.

Хусусан, тадқиқотчи А.А.Зоҳидов томонидан тизимли ёндашув асосида Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш юзасидан ўрганган бўлиб, унда Марказий Осиё транспорт тизимини ривожланиш босқичларини ўрганиш ва унда минтақа давлатларининг транспорт соҳасидаги интеграцияси билан боғлиқ тенденцияларни мантиқий кетма кетликда аниқлаб берилган. [3]

Шунингдек, минтақавий ҳамда халқаро транспорт тизимини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар қаторига К.Рашидов [4], Ў.Мавлонов [5], К.Аҳмедов [6], И.Акбаров [7], Б.Ходжаев [8] ва З.Ахмаджановлар [9] томонидан бажарилган ишларни киритиш мумкин. Юқорида келтирилган илмий ишларда Марказий Осиё давлатларидаги транспорт муаммолари алоҳида давлатлар мисолида ўрганганлигини ёки транспорт омилини бошқа омиллар қаторида тадқиқ этганликларини кўриш мумкин.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини автомобиль транспортида ташишни ташкил этиш ва бошқариш, логистик инфратузилмаларини аҳамиятини ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришнинг мушоҳада, индукция ва дедукция динамик қаторлар, иқтисодий-статистик анализ ва синтез, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Республика тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш, улар томонидан экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда маъмурий тўсиқларни камайтириш ҳамда Жаҳон Банкнинг “Логистика Самарадорлиги Индекси(LPI)” даги рейтингда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини ошириш мақсадида бошқарма ходимлари томонидан доимий равишда таҳлилий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда олинган маълумотлар тизимли таҳлил асосида ўрғанилганда, республика ҳудуди орқали ташқи савдо юклари ҳаракатланишида маъмурий тўсиқлар сақланаётганлиги аниқланди.

Жумладан, Ўзбекистон ва Туркия ўртасида автомобиль транспортида халқаро юкларни ташиш учун рухсатнома (кейинги ўринларда дозволь деб кетилади) ҳужжатининг жорий этилганлиги юк ташиш жараёнларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги ҳамда ушбу ҳужжат (дозволь) **Ўзбекистон миллий ташувчиларининг манфаатларини умуман ҳимоя қила олмаётганлиги** маълум бўлди. Натижада, республиканинг халқаро майдондаги имижига, инвестициявий жозибдорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги, шунингдек республиканинг импорт ва экспорт юкларини автомобиль транспортида ташишда транспорт харажатларини ошишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, халқаро юкларни ташиш учун рухсатномаларни олиш бўйича бир қатор муаммолар сабаб, айрим Туркия кетадиган экспорт юклари божхона постларида узоқ вақт давомида кутишига олиб келмоқда. Оқибатда эса, Туркиянинг Ўзбекистонга дипломатик каналлари орқали билдирилган асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Туркиянинг Ўзбекистондаги Элчихонасининг 20.03.2019 йилдаги №BE/23168644 рақамли нотада 11та ҳамда 30.04.2019 йилдаги №BE/23343440 рақамли нотасида эса 30 та дозволлар бўйича Туркия миллий ташувчиларининг халқаро юкларни ташиш бўйича айрим муаммоли тўсиқларга учраётганлиги билдирилган [10].

Шу ўринда, биргина Ўзбекистон Республикаси билан Туркиянинг савдо-иқтисодий муносабатларидаги ўзаро савдосида сальдо, 2014 йилдан буён Ўзбекистоннинг фойдасига ўзгарганлигини таъкидлаш жоиз (*фақат 2018 йилда сальдо -302,70 млн. АҚШ долларини ташкил этган*). Хусусан, ушбу фикрни қуйидаги рақамларда кўриш мумкин [11].

Шу билан бирга, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги муносабатларда турли даражадаги учрашувлар мунтазам амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, Кичик Осиё минтақасидаги ушбу давлат раҳбари Ражаб Тойиб Эрдўғаннинг 2016 йил 17-18 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлиб, икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдаги амалий ишлар даврининг янги

босқичини бошлаб берди. Чунончи, 2016 йилдан буюн Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги у ёки бу даражадаги 15 дан зиёд турли соҳа вакиллари иштирокида учрашувлар ўтказилди [12].

1- жадвал

Ўзбекистон ва Туркиянинг ўзаро ташқи савдо айланмаси динамикаси

	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й. январь-июнь	
						2018 январь-июнь	2019 январь-июнь
Умумий ташқи савдо	1505,70	1202,70	1171,70	1552,50	2166,40	939,60	1188,10
Экспорт	966,30	790,10	686,20	877,80	931,90	444,60	572,20
Импорт	539,50	412,60	485,50	674,70	1234,50	495,0	615,90
Сальдо	426,80	377,50	200,70	203,20	-302,70	-50,50	-43,70

Шундай бўлсада, бугунги кун икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар борасидаги ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик даражасини пасайтирувчи муаммолар мавжудлиги ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Жумладан, ҳозирда халқаро юкларни ҳукуматлараро имзоланган икки томонлама битим ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида жорий қилинган **Ўз вазифасини бажара олмаётган** рухсат берувчи мазмундаги ҳужжат асосида Туркия ва Ўзбекистон миллий ташувчилари ҳарқатланиши аён бўлди.

Хусусан, 28.04.1992 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Туркия Республикаси ҳукумати ўртасидаги “Қуруқликдаги нақлиёт тўғрисида” ги битим ҳамда 15.03.2018 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишни янада тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 202 - сонли қарори асосида халқаро юкларни ташиш назорати олиб борилмоқда [13].

Шундан келиб чиқиб, халқаро тажрибадан маълумки давлатлараро халқаро юк ташишлар ҳар бир давлат ўзининг миллий ташувчилари манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда дозволь ҳужжатлари тенглик ҳуқуқи асосида алмашилади.

Хусусан, Ўзбекистон Транспорт вазирлиги томонидан (олдинги *Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги*) икки томонлама битимларга мувофиқ 2015 йилда 30520 та, 2016 йилда – 29400 та, 2017 йилда - 30930 та, 2018 йилда эса 52249 та дозволь ҳужжатлари алмашилган. Икки томонлама аламашиладиган ушбу ҳужжатда эса Туркия Республикасининг умумий улуши 35-40 % ни ташкил этмоқда [14].

2- жадвал

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан берилган Рухсатномаларда Туркиянинг улуши

	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Дозволлар умумий сони	30520	29400	30930	52249
Туркиянинг улуши сони ва фоизда	12000 (39%)	12000 (40%)	12000 (38%)	18000 (34%)

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг импорт ва экспорт юкларини автомобиль транспортида асосий ташувчилари Туркия миллий ташувчилари эканлиги маълум бўлмоқда. Туркия Республикасидан импорт ҳамда ушбу давлатга қилинадиган экспорт юкларининг 98-99 % турк миллий ташувчилари томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Шунингдек, Туркия Республикасининг Транспорт ва Инфраструктура вазирлиги (Т.С. Ulaştırma ve Altyapı Bakanlığı) дозволь ҳужжатини тарқатиш бўйича ваколатли давлат органи бўлиб, ушбу орган ҳам ўз давлатидаги миллий ташувчиларининг халқаро юк ташишлар бўйича манфаатлари ҳимоя қилади.

Шундай бўлсада, ушбу вазирлик тарқатган дозволлар (*дозволь нухаси илова қилинади*) Ўзбекистон миллий ташувчилари томонидан деярли ишлатилмаётганликлари (*ўрта ҳисобда 0,7-2 фоиз атрофида*), ёки бошқача айтганда Ўзбекистон миллий ташувчилари томонидан Туркия Республикасига ташқи савдо юкларини ташилмаётганликлари аён бўлмоқда.

Жумладан, икки томонлама алмашилган дозволлар сони ва миллий ташувчиларга тарқатилиб, ишлатилганлар миқдори ҳамда фоиз кўрсаткичи қуйидаги жадвал орқали билиш мумкин [15].

3- жадвал

Ўзбекистон Республикаси миллий ташувчилари томонидан Туркия давлатига юк ташиш учун ишлатган Рухсатномалар динамикаси

	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Алмашинилган	12000	12000	12000	18000
Тарқатилган	226	137	150	102
Ишлатилган	197 (1,6 %)	92 (0,76 %)	145 (1,20 %)	42 (0,23 %)

Жорий йилнинг 9-10 июль кунлари эса Анқарада Ўзбекистон ва Туркия ўртасида халқаро юк ва йўловчиларни ташиш соҳасини ривожлантириш мақсадида бўлиб ўтган идоралараро учрашувда дозволлар сонини 2 баробарга яъни 18000 дан 36000 га оширишганини маълум қилишди [16].

Шу ўринда айтиш жоизки, Туркия миллий ташувчиларининг 95-98 % Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий халқаро коридори (Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон(Туркия)) бўйлаб ҳаракатланишади. Чунончи, ДБҚнинг “Авто” ААТ маълумотларига асосан Туркия Республикасига тегишли юк автотранспорт воситалари Ўзбекистонга 2015 йилда – 7058 та, 2016 йилда – 8097 та, 2017 йилда - 11001 та. 2018 йилда – 17272 таси юк олиб келган бўлса, Ўзбекистон миллий ташувчилари томонидан Ўзбекистондан Туркияга 2015 йилда -197 та, 2016 йилда – 92 та, 2017 йилда – 147 та, 2018 йилда – 42 таси ташқи савдо юкларини этган.

Шунга асосан эса, икки давлат ўртасидаги тенглик асосидаги тарқатилган рухсатномалар бир-бирига пропорционал равишда амалда қўлланилиб келинмаётганлиги маълум бўлади. Яъни Туркия ҳамда Ўзбекистон миллий ташувчилари ташқи савдо юкларини ташиш ўртасидаги фарқ анча катта бўлиб, 40 дан 400 мартагача кўп. Ўз навбатида, Туркия миллий ташувчиларининг Ўзбекистонга импорт ва экспорт юкларини ташишда транспорт харажатларини камлиги билан ижобий баҳолаш мумкин.

Хусусан, Жаҳон Банкнинг Логистика Самарадорлигини Баҳоловчи Индекси 2016 йилги рейтингига асосан логистика хизматларини 20 тонна юкни 1 км.га ташиш

учун Ўзбекистонда – 1,75 АҚШ \$ бўлса, Туркияда эса 0,45 АҚШ \$ ташкил этади. Шунингдек, Туркияга/дан – Ўзбекистондан/га экспорт ва импорт юкларини ташишда оралиқ транзит давлатларининг кириш чегара божхона постлари томонидан ундириладиган йиғимларда ҳам фарқ мавжуд [17]. Юқоридаги жумлани, ушбу жадвал асосида яққол кўриш мумкин (*жадвал "Олот" ЧБП орқали ҳаркатланаётган юкавтоуловлари ҳайдовчиларидан олинган маълумотларга асосан шакллантирилди*).

4- жадвал

Ўзбекистон – Туркия ҳамда Туркия – Ўзбекистон йўналишларда халқаро юк ташиш учун ундириладигина йиғимлар миқдори

(Рақамлар АҚШ долларларида)

	Туркия миллий ташувчилари		Ўзбек миллий ташувчилари	
	Туркиядан Ўзбекистонга	Ўзбекистондан Туркияга	Туркиядан Ўзбекистонга	Ўзбекистондан Туркияга
Туркия	0	0	0	400
Эрон	0	0	435	435
Туркменистон	520	520	550	550
Ўзбекистон	400	0	0	0
Жами	820	520	985	1385

Жадвалда қайд этиб ўтилган рақамлардан билиш мумкинки, Туркия миллий ташувчиларининг **ҳар бир юк автоулови** Ўзбекистоннинг импорт товарлари учун **160** АҚШ доллари, экспорт товарлари учун **860** АҚШ доллари миқдоридаги транспорт харажатлари Ўзбекистон миллий ташувчиларидан кам сарф қилишмоқда.

Шунингдек, Туркия миллий ташувчиларига тегишли юкавтоуловларининг деярли барчаси Ўзбекистон ҳудуди орқали TIR CARNET китобчаси асосида ҳаракатланиб келишмоқда. Шу билан бирга, Бирлашган Миллат Ташкилотидаги Европа Иқтисодий комиссиясининг берган маълумотларига кўра Халқаро Автомобиль Транспорти Иттифоқи (IRU) томонидан тарқатиладиган TIR CARNET китобчалари Туркия Республикаси умумий ҳисобда салмоқли улушга эга [18].

5- жадвал

IRU томонидан тарқатилган TIR CARNET китобчалари сони ҳамда унда Туркиянинг улуши

	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Тарқатилган китобчалар сони	3158300	2920150	1945050	1500450	1223400	1154650	1020650
Туркиянинг улуши(миқдори ва фоизи)	685000 (21,6 %)	540500 (18,5 %)	385500 (13,2 %)	325100 (21,6 %)	213900 (17,5 %)	200000 (17,3 %)	189000 (18,5 %)

Ўзбекистон миллий ташувчилари эса ташқи савдо юкларини TIR CARNET китобчаларини қўллаган ҳолда ҳаракатланиши қуйи даражани яъни, ўртача 0,3 -2 % ни ташкил этади ҳамда аксарият халқаро ташувлар эса CMR ҳужжати асосида (ЮЕБНК орқали) ҳаракатланиши маълум бўлди. Буни эса Ўзбекистон транспорт воситалари давлат чегаралари бўйлаб ҳаракатланишида TIR CARNET китобчаси билан боғлиқ имтиёзларга эга бўлмаслиги, натижада юкавтоуловлари хорижий давлатларда

қўшимча божхона назоратини амалга оширилиши билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, ушбу китобчалар варақлар сонига қараб нархлари белгиланган бўлиб, 2018 йилда Ўзбекистон миллий ташувчилари учун 6 варақлиги -39,65 АҚШ доллари, 14 варақлиги – 79,30 АҚШ доллари белгиланган. Натижада эса, TIR CARNET китобчаси учун бу нархлар миллий ташувчиларига нисбатан ташиш харажатларини бир оз бўлсада ошишига олиб келади [19]. Хусусан, ушбу фикрни қўйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин.

6- жадвал

Ўзбекистон миллий ташувчилари томнидан амалга оширилган халқаро ташувларда TIR CARNET китобчаларининг улуши

	2010 й	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	62011	76978	96053	95157	83336	77547	91504	133401	191073
2.	9000	14100	17500	7500	9000	9000	27000	14000	32400
	14,5 %	18,3 %	18,2 %	7,9 %	10,8 %	11,6 %	29,5 %	10,5 %	16,9 %

(Изоҳ: Бунда жадвалдаги 1. - халқаро юк ташувларни амалга оширган Ўзбекистон миллий ташувчилари сони; 2. - TIR CARNET китобчасини қўллаган ҳолдаги халқаро юк ташувлардаги улуши(сони ва фоизи))

Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистон миллий ташувчилари учун жануби-ғарбий йўналиш бўйича (Туркменистон – Эрон-Туркия) бир қатор ноқулайликлар мавжуд.

Биринчидан (Туркменистон бўйича), ҳозирда Ўзбекистон миллий ташувчилари Туркменистондан транзит тартибида ўтиш учун 550-600 АҚШ доллари миқдорида йўл йиғимлари ундирилмоқда, ушбу йиғимлар Туркменистон миллий ташувчиларидан Ўзбекистон ҳудудига киришда ундириладиган йиғимлардан 150-200 АҚШ доллари миқдорида кўп бўлиб, ушбу йиғимлар Туркменистон томонидан тенглик асосида ундирилмаяпти.

Иккинчидан (Эрон Ислом Республикаси бўйича), ўзбек ҳайдовчилари Эрон ҳудудида ҳаракатланишлари учун ёқилғи тафовути тўловлари бўйича йиғим ундирилади(йўл фонди учун 400 АҚШ долларида ташқари). Ушбу йиғим ҳар бир км. учун 0,18 АҚШ долларини ташкил этади. Хусусан, Туркменистон (Фарап) – Эрон (Базарган)/Туркия(Гурбулак) йўналиши бўйича халқаро транзит коридори 2031 км.ни ташкил этиб, натижада 365 АҚШ доллари ўзи фақат ёқилғи тафовути учун тўланмоқда.

*Учинчидан (Туркия Республикаси бўйича),*Туркиянинг амалдаги нормаларига мувофиқ хорижий автотранспорт воситалари давлат ҳудудига кириши учун тўланадиган йиғимдан(Ўзбекистон ташувчилари учун 400 АҚШ доллари) ташқари, юкавтоулови Туркия ҳудудида ҳаракатланганлиги учун автотранспорт воситасининг умумий оғирлигининг ҳар бир тоннаси учун бир км.га 0,01 Евро миқдоридан йиғим мавжуд. Шунга асосан ўрта ҳисобда 38 тоннали ўзбек миллий ташувчилари Туркиянинг Гурбулоқ (Эрондан кириш) чегара постидан Истамбул шаҳригача бориши учун 1550 км атрофида йўл юриб, 589 Евро ёки 660 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида санаб ўтилган таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, халқаро юкларни ташиш учун бериладиган рухсатнома ҳужжати Ўзбекистон ва Туркия ўртасида ташқи савдо айланмасида маъмурий тўсиқ сифатида қолмоқда.

Иккинчидан, асосий мақсади Ўзбекистон миллий ташувчилари манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро ташувларда давлатлар ҳудудида автотранспорт воситаларини тенглик асосида кириб чиқишни таъминлаш, республика транзит-логистикасида миллий ташувчилар улушини ошириш, халқаро логистика-транспорт тизимида миллий ташувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўлган ушбу ҳужжат ўз вазифасини умуман бажара олмаяпти.

Учинчидан, икки давлат (Ўзбекистон-Туркия) халқаро ташувлари учун жорий этилган ушбу ҳужжат Ўзбекистон миллий ташувчилари манфаатини ҳимоя қилишда ўз аҳамиятини деярли йўқотган.

Тўртинчидан, сўнги вақтларда ушбу ҳужжат жорий қилинишида Ўзбекистоннинг савдо иқтисодий муносабатларда энг яқин ҳамкор давлатлар олдидаги халқаро имижига салбий таъсир қилмоқда.

Бешинчидан, халқаро юк ташувларда Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий йўналишдаги савдо коридорларида ўзбек миллий ташувчиларининг жуда кам иштирок этиши, республиканинг транспорт-логистика салоҳиятига сезиларли даражада салбий таъсир қилаётгани йўқ.

Санаб ўтилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда қўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бунда икки давлат ўртасидаги миллий ташувчилари учун турли хил миқдордаги ундириладиган йиғимларни бир хиллаштириш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган 28.04.1992 йилда “Қуруқликдаги нақлиёт тўғрисида”ги битимга мувофиқ “Аралаш комиссия” тузиш ҳамда миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ўзаро келишувга эришиш.

Шунингдек, икки томонлама битимда назарда тутилган халқаро юкларни ташиш учун бериладиган рухсатнома (дозволь) ҳужжатини алмашиш механизмини мақбуллаштириш мақсадида икки босқичда амалий тадбирлар ўтказиш.

Жумладан, биринчи босқичда ўзаро тенглик ҳуқуқи асосида алмашишиниладиган ушбу ҳужжатни электрон шаклга ўтказиш ва электрон кўринишда алмашиш бўйича амалдаги битимга Қўшимча Протоколни имзолаш. Бунда қўйидаги натижаларга эришиш мумкин:

а) кейинги йил учун алмашиналидиган дозволларнинг ҳисобини юритиш тизими очиқ ва шаффоф бўлади;

б) халқаро юк ташишда ваколатли ташкилотларнинг (*давлат божхона хизмати, Транспорт вазирлиги, транспорт-экспедиторлик компаниялари ва ҳоказо*) автоматлаштирилган ахборот тизимларига дозволлар тўғрисидаги маълумотлар киритилишида хатоликлар тўлиқ олди олинади;

Иккинчи босқичда эса, ушбу ҳужжат амалда Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳеч қандай ҳимоя қила олмаётганлигини инобатга олган ҳолда битимга қўшимча шартлар (с оговорками) назарда тутган ҳолда амалда қўллашдан

воз кечиш мақсадга мувофиқлигини маълум қиламиз. (Мисол учун: Битимнинг рухсатнома алмашиш бўйича 10 моддасини қўйидагича таҳрир қилиш “Томонлардан бирининг ташувчиси Иккинчи томондан рухсатнома олмасдан у томон ҳудудига ёки у орқали учинчи мамлакат ҳудудига бемалол одам ёки юк ташиши мумкин. Агарда Аҳдлашувчи томонларнинг бирининг талаби билан рухсатнома олиш тартиби жорий этилиши назарда тутилса, унда ушбу тартиб жорий этилишидан камидан уч ой олдин Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирини огоҳлантириш мажбуриятини олишади”).

Фойдаланилган адабиётлар

1. The World Bank: World Development Indicators. [http://data. World bank .org/ indicator](http://data.Worldbank.org/indicator).
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси -Т.: 2019.
3. Зоҳидов А.А. Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмининг такомиллаштириш. Иқт. фан. док. дис. автореф., Тошкент 2018.
4. Рашидов К. Проблемы правового регулирования отношений по международной перевозке пассажиров и грузов. Автореф. дисс. доктора юридических наук. -Ташкент, –2004. -32 с.
5. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Монография. –Тошкент: «Академия», 2008, - 432 б.
6. Аҳмедов К.Х. Повышение эффективности автотранспортных международных перевозок. –Ташкент. «Меҳнат», 1990, -174 с.
7. Аҳмедов К.Х. Повышение эффективности автотранспортных международных перевозок. –Ташкент. «Меҳнат», 1990, -174 с.
8. Ходжаев Б.А. Развитие транспортных коммуникаций инфраструктуры Центральной Азии как фактор экономического восстановления Афганистана // Узбекистан и Центральная Азия, №6, 2008.
9. Ахмаджанов З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии – Тошкент, Ўзбекистон, 1985.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти. www.stat.uz. Мурожаат вақти – 10.07.2019 й.
12. Ўзбекистон – Туркия: ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган ҳамкорлик жадал ривожланмоқда // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-turkiya-zaro-ishonch-va-dstlikka-asoslangan-amkor-01-05-2018>. Мурожаат вақти – 18.07.2019 й.
13. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси -Т.: 2019.
14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг расмий маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.
15. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг расмий маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

16. Özbekistan Geçiş Belgeleri Kotamız İki Katına Çıkıyor www.und.org.tr/tr/22490/ozbekistan-gecis-belgeleri-kotamiz-iki-katina. Мурожаат вақти – 20.07.2019 й.

17. The Logistics Performance Index and Its Indicators. Журнали. Washington, DC 20433 нашри 2018 The International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank 2018 йил. 45-бет.

18. ХЙТ конвенцияси бўйича маълумотнома. БМТнинг Европа Иқтисодий Ҳамжамияти. 11- қайта ишланган нашр. Нью Йорк ва Женева. 2018 й. Б-22.

19. TIR Carnet Prices // <https://www.unece.org/tir/tircarnetprices.html> Мурожаат вақти – 10.07.2019 й.